

Буюк Британиядаги энг қадимги масжид



15:54 / 26.09.2023 1637

Буюк Британиядаги энг қадимги «Шоҳжаҳон» масжиди 1889 йилда бунёд этилган илк масжидлардан бири ҳисобланади. Худди шу йили Абдулла Киллиамнинг саъй-ҳаракатлари билан Ливерпулда масжид қурилди. Лондонда биринчи масжид 1924 йилда қурилган. Мусулмонларнинг сони ортиб бориши сабабли 2007 йилга келиб, 1500 дан ортиқ масжидлар қурилиши давом этди. Аксарият масжидлар Покистон, Бангладеш, араб мамлакатлари, Туркия ва Сомалидан келган маблағ ҳисобига қурилган.

2015 йилда Британиянинг Ал Раян Ислом банки Буюк Британиядаги мусулмонларнинг бизнесга таъсирини ўрганиш натижаларини эълон қилди. Унга кўра, ташкилот раҳбарларининг 7 фоизи, яъни учдан бир қисмини мусулмонлар ташкил этди.